



ИНСОН ва ҚОНУН

3 ноябрь 2020 йил / № 43 (1247)

www.hudud24.uz

insonvaqonun@adliya.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ



ҚУШНИНГ ҲАМ ИНИ БУЗИЛМАСИН!

Хусусий мулк эгалари нимадан норози бўлмоқда?

5-БЕТ



АНДИЖОНЛИК ЎҒРИЛАР ФАРҒОНАДА ҚЎЛГА ОЛИНДИ 6-БЕТ

СЕРГЕЛИ ТУМАНИДА: 9 ОЙДА 248 ТА АЖРАЛГАНЛИК ҲАҚИДАГИ ДАЛОЛАТНОМА ЁЗУВЛАРИ ҚАЙД ЭТИЛДИ 7-БЕТ

АРИЗАМГА БЕФАРҚ ҚАРАГАН МАСЪУЛЛАРГА ҚАНДАЙ ЧОРА КЎРИЛАДИ? 8-БЕТ

“EPSILON D.C” ДАН ИШ ҲАҚИ УНДИРИЛДИ



ҚАШҚАДАРЁ вилояти, Ғузур тумани, Хўжагузар МФЙда яшовчи фуқаро Ш.Муродов тахририятга мурожаат қилиб, иш ҳақини ундириш масаласида ёрдам сўраган эди.

Мурожаатда кўрсатилган масала қонуний ечимини топиши мақсадида Қашқадарё вилоят прокуратураси кўмаги сўралди.

Тез орада масалага оидинлик киритилди.

Адлия вазирлигининг “Инсон ва қонун” газетасига Шухрат Муродовнинг “EPSILON DEVELOPMENT COMPANY” МЧЖ қўшма корхонаси томонидан ойлик иш ҳақлари тўлаб берилмаётганлиги юзасидан ёзган аризаси кўриб чиқилди.

Ўрганиш давомида, “EPSILON DEVELOPMENT COMPANY” МЧЖ қўшма корхонаси ҳисобидан фуқаро Ш.Муродовнинг фойдасига 10 миллион сўм иш ҳақи ундириб берилди.

Шунингдек, Қарши шаҳар Аҳоли бандлигига кўмаклашиши маркази томонидан фуқаро Ш.Муродовнинг манфаатини кўлаб жавобгар “EPSILON DEVELOPMENT COMPANY” МЧЖ қўшма корхонасига нисбатан 79 миллион 754 минг сўм иш ҳақи ҳамда 40 миллион сўм моддий ва маънавий зарарларни ундириши ҳақида фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманларaro судига даъво аризаси киритилди.

Э.ҒОЖИЕВ,
Қашқадарё вилояти прокурори



ҚИММАТЧИЛИКМИ ТАҚЧИЛЛИК:

ГЎШТ НАРХИ ҚАЧОНДИР ТУШАДИМИ?

2,3-БЕТЛАР

МУРОЖААТ ИЖОБИЙ ҲАЛ БЎЛДИ

ТАХРИРИЯТИМИЗГА Самарқанд шаҳар, “Қавола” маҳалласида яшовчи Х.Маликов Ҳаж сафарига юбориш масаласида маҳалла фаоллари фаолиятдан норози бўлиб мурожаат қилган эди.

Тахририят ушбу мурожаатни жойида ўрганиб чиқиб, масалани ижобий ҳал этиш учун шикоят хатини Самарқанд вилоят ҳокимлигига жўнатди.

“Ўрганиш давомида фуқаро Х.Маликов “Қавола” маҳалла фуқаролар йиғинидаги “Ҳаж” зиёратига борувчиларни қайд қилиш дафтарига 2017 йил 16 мартда тўққизинчи навбатда рўйхатга олинганлиги аниқланди.

Фуқаро Х.Маликовнинг маҳалладаги хизматлари ҳамда ундан олдинда турган 4 нафар фуқаронинг розилиги инobatга олиниб, келгуси “Ҳаж” зиёратига “Қавола” маҳалласидан фуқаро Х.Маликов номзоди тавсия этилиши келишиб олинди”.

Д.МАМАДҚУЛОВ,
Самарқанд вилоят ҳокими ўринбосари



ГАЗ ТАРМОҒИГА ҚАЙТА УЛАНДИ

НОГИРОНЛИГИ ва моддий жихатдан кўмакка муҳтожлигини айтиб, ҳозирги вақтда газдан қарздорлиги ошиб, тўлаш имконияти йўқлигини баён қилган самарқандлик фуқаро Ф.Ризаева тахририятдан ёрдам сўраб мурожаат қилган эди.

Мурожаат Самарқанд вилоят ҳокимлигига юборилган эди. Ушбу мурожаатга Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари А.ШУКУРОВ имзоси билан қуйидаги мазмунда жавоб хати олинди:

“Фуқаро Ф.Ризаеванинг “Газ таъминотида қарзи борлиги сабабли тармоқдан узиб қўйилганлиги” юзасидан қилган мурожаати “Худудгаз Самарқанд” филиали томонидан ўрганиб чиқилди. Ўрганиш жараёнида, Ф.Ризаеванинг хонадонини МИБ Каттақўрғон шаҳар бўлими ходимлари томонидан қарздорлиги учун газ тармоғидан узиб қўйилганлиги аниқланди.

Фуқаро Ф.Ризаеванинг I-гурух ногирони эканлиги инobatга олиниб, Каттақўрғон шаҳаргаз бўлими томонидан табиий газ тармоғига қайта улаб берилиб, мурожаат ижобий ҳал этилганлигини маълум қиламиз”.



Шерзод БАХРОНОВ,
Навоий вилояти адлия
бошқармаси бошлиғи:

— ГАЗЕТАЛАР давлат сиёсати, миллат маънавияти тақдирини ҳал этадиган куч сифатида майдонга чиққанига тарих гувоҳ. Буни жадидлар ҳаракати мисолида ҳам англашимиз мумкин.

Мамлакатимизнинг ахборот макони бугун янги қиёфада намоён бўлмоқда. Бу жараён ўз ўрнида объектив масалалар ечимини ҳам кун тартибига олиб чиқаётганига гувоҳ бўлаяпмиз. Ана шундай масалалар, айниқса, босма нашрлар фаолиятида

кўзга ташланаяпти. Хусусан, газеталарни чоп этиш, нашрни истеъмолчига етказиб бериш, обуна ташкил этишдаги объектив ва субъектив омиллар сабабли айрим тахририятлар молиявий қийин аҳволда қолмоқда. Шунингдек, кўпгина тармоқ ва идоралар муассислигидаги нашрлар ўз ҳолига ташлаб қўйилгани, мажбурий обуна кампаниясини бартараф этиш шиори остида жойларда ихтиёрий обуна ташкил этиш масалалари ҳам оқсаб қолаётганини инкор этиб бўлмайди. Ваҳоланки, газеталар барча даврларда ахборот майдонининг ишончли манбаси бўлиб келган.

Дунё амалиётида ҳам газеталарнинг ўрни бекиёс. “The Yomiuri Shimbun”, “New York Post”, “The New York Times”, “Daily News” сингари чет эл нашрлари кўпчилигимизга яхши таниш, улар бугунги кунда ҳам ахборот маконида юқори ўринда туради.

Ривожланган давлатларда ҳам интернет ва босма нашрлар ўртасида мунтазам равишда фикрий курашлар юзага келиб туради. Аммо улар интернет босма нашрлар ўрнини тўлиқ эгаллаб олади, деган

фикрдан мутлақо йироқ.

Хитой газеталар адади жиҳатидан дунёда етакчи ўринларда туради. Масалан, марказий нашрлар беш миллиондан бошлаб, ўн миллион нусхагача чоп этилади. Худудий газеталар ҳам жуда ривожланган. Нафақат провинциялар, балки унинг таркибидаги шаҳар ва туманларнинг ўз нашрлари мавжуд бўлиб, улар ўртача икки миллион ададда ўқувчилар қўлига етказилади. Ушбу мамлакатда обуна масаласи марказлашган ҳолда амалга оширилади.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, бугунги кунда “Аргументы и факты” 30 миллиондан ортиқ тиражда, “The Yomiuri Shimbun” 14 миллион, “Sichuan Ribao” 8 миллион, “TIME” 3,5 миллион нусхада чоп этилмоқда. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Кўриниб турибдики, дунё аҳли газетадан воз кечгани йўқ.

Мамлакатимизда ҳам кишиларнинг дуёқарашини ўзгартириш, креатив фикрлашга ўрганиш жараёни кетаётган бир пайтда газеталар нуфузини ошириш муҳим шартлардан биридир. Газеталар мамлакатимиз тараққиёти ва халқаро

имижини сақлашда алоҳида ҳисса қўшиб келаётганлигини унутмаслик керак. Ана шундай нашрлар тоифасига “Инсон ва қонун” газетасини ҳам киритиш мумкин. Бу нашр давлатимиз ҳуқуқий сиёсатининг асосий тарғиботчиларидан бири эканлигини тан олиш керак. Газетага обунани ташкил этиш виждонан амалга оширилиши ва бу жараёнга фуқаролик позицияси сифатида қаралмоғи лозим. Жумладан, сўнгги 3 йил мобайнида обунани ташкил этиш борасида вилоятимиз етакчилигини қўлдан бермади. Чунки Ҳазрат Навоий номи билан аталган вилоятда газета муталаасига алоҳида эътибор қаратилган. Жорий йилда ҳам адлия тизими ходимлари “Инсон ва қонун” газетаси билан ҳамнафас бўлаемиз, навоийликлар газетанинг ҳар бир сонини мамнуният билан кутиб олишига ишончимиз комил.

Китоблар қайта-қайта чоп этилганда, уларни ўзгартириш, тарихнинг қайсидир қисмини тушириб қолдириш мумкин. Аммо газеталарда замон руҳи бор бўй-басти билан акс этади ва уларни ўзгартириб бўлмайди.

ҚИММАТЧИЛИКМИ ТАҚЧИЛЛИК:

СЎНГГИ ойлarda озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг кўтарилиши одамлар орасида мураккаб баҳс-мунозараларни келтириб чиқарди. Аслида бозор муносабатлари, мувозанатини ҳаммиша ҳам ушлаб туриб бўлмайдиган талаб ва таклиф, валюта курсларининг ўйнаб туриши, пандемия сабаб юзага келган глобал иқтисодий хавф туфайли қандайдир даражада нархларнинг ошиб боришини табиий жараён сифатида қабул қилиш мумкин. Аммо нархлардаги, айнан озиқ-овқат маҳсулотлари нархларидаги кескин кўтарилиш оммада хавотир ва норозилик туйғуларини уйғотади.



Масалан, гўшт нархнинг ошиши билан худди шундай вазият юзага келди. Айни пайтда мамлакатимиз бозорларида қорамол гўшти ўртача 80-90 минг сўмдан сотилаяпти. Илгари қўй гўшти нисбатан мол гўштига қараганда қимматроқ бўларди. Ҳозир эса қорамол гўшти нархнинг кескин ошиб бориши бу нисбатни йўққа чиқарди. Эътирозларга ҳам ҳақли равишда қараш керак. Сабаби, атиги 1-2 ой олдин қорамол гўшти 50-55 минг сўм атрофида харид қилинган.

Аслини олганда бу ҳолатга ҳар йили тўқнаш келамиз. Иқтисодий тебранишларнинг қайсидир сабаблари туфайли гўшт маҳсулотининг нархи ҳар йили ошади. Асосий ва муҳим озиқ-овқат тури сифатида гўштининг нархи ошишини ҳазм қилиш жуда қийин кечади. Жамоатчилик фикрини ифодаловчи асосий платформа саналган ижтимоий тамоқларда ҳам бу ҳолат резонанс келтириб чиқаради. Шу тариқа “Биз гўштни кўп еб қўяётган эканмиз”, мазмуни билан жамоатчилик вакилларининг жудаям хилма-хил фикрлари ўртага чиқади.

Асосий сабаблар нимада?

Давлатнинг ижтимоий ҳаётида жамоатчиликнинг фикри аслида муҳим ўрин тутари. Айни вазиятда ҳам нарх-навоининг баландлиги бошқарув вакилларининг ўлчовсиз ҳаракатлари, монополияга йўл бераётгани, қуйи қатлам “чўнтаги”ни эътиборга олмаётгани билан баҳоланмоқда. Кўпчиликиннинг фикри бу борада молиявий органларга нисбатан негатив қарашлар билан чекланган. Хўш, гўшт нархнинг кескин кўтарилишига қандай омиллар сабаб бўлмоқда: ниҳоятда гўштсевар халқимизни ёки маҳсулот импортининг камлиги бунга сабабми, чорвачилигимиз-чи, қай даражада ривожланган? Вазиятни шу нуқтаи назардан, бир неча омиллар воситасида таҳлил этиб кўрамиз.

2020 йил 1 июль ҳолатига Ўзбекистонда қорамол боши сонининг аҳоли сонига нисбати 36,8 фоизни ташкил этади. Яъни, ҳар 1000 аҳоли жон

бошига 368 бош қорамол тўғри келаяпти. Статистикага кўра, охириги 5 йилда одамлар 3-4 миллионга кўпайган. Лекин шунга мос равишда одамлар сонига нисбатан қорамол боши сонини ошган, деб бўлмайди. Чорва молларини етиштириш эса бир неча ойлarda ёки 1-2 йилда ўз натижасини кўрсатадиган соҳа эмас.

Статистика маълумотида кўра, Ўзбекистонда саноат йўли билан боқилдиган қорамоллар жами қорамолларнинг 5 фоизини ташкил қилади. Демак, гўшт маҳсулотларининг асосий қисми аҳоли хонадонлари орқали бозорга чиқади. Бу эса, ўз навбатида, ем-хашак нархлари, об-ҳавонинг ноқулайлиги келиши каби қатор табиий омиллар туфайли бозорда нархларнинг назоратдан чиқишига сабаб бўлади. Асосий гўшт маҳсулотлари саноат даражасида етиштирилдиган тақдирдагина бозорга кўп ва хилма-хил талаб даражасидаги гўшт киради ва нархларни мол эгалари эмас, бозорнинг ўзи белгилайдиган бўлади.

Чорва учун ажратилган триллионлар:

ТУЁҚЛАР Сони НЕГА КўПАЙМАДИ?

Чорвачиликни саноат даражасига олиб чиқиш нега шунчалик қийин? Аслида эса давлат томонидан бунинг механизми ишлаб чиқилган ва аллақачон йўлга қўйилган. Масалан, чорвачилик учун ажратилган кредитлар. Бу саноатлаштириш учун энг муҳим ва катта қадам эди. Маълумотларга кўра, охириги 3 йилда чорвачилик учун 11 триллион сўмдан зиёд кредитлар ажратилган. Бу кредитлар аҳолига имтиёзли фоизларда берилди. Аммо бу йиллар давомида шундай катта миқдорда ажратилган кредитлар мевасини чорвачилик саноати миқёсида умуман кўрмадик. Сабаби, йўналтирилган кредитларнинг асосий қисми мақсадли сарфланмади.

Яқинда Марказий банкда бўлиб ўтган матбуот анжуманида банк бошқарув раиси Мамаризо Нурмуратов чорвачилик учун берилган имтиёзли кредитларнинг асосий қисми бошқа фойдалироқ бизнесларга тикилгани ҳақида таъкидлаб ўтди. Бу борада имтиёзли кредитларнинг ажратилишида банкларнинг ва маҳаллий ҳокимликларнинг бюрократик, коррупцион ҳаракатлари туфайли имтиёзлар бошқа йўналишларга оқиб кетгани ҳақидаги фикрларни ҳам инкор этиб бўлмайди.

Аммо аҳоли томонидан чорвачилик учун олинган имтиёзли кредитларнинг асосан бошқа мақсадлар учун сарфлангани рост. Охириги йилларда чорва кредити олиш туманлар ва қишлоқ одамлари орасида “урф”га айланди. Суриштирсангиз ҳар уч-тўрт хонадоннинг бири чорва ёки микрокредит олган бўлиб чиқади. Аммо бу хонадонларда на чорва моллари бор, на ферма. Битмай қолган уйни битказиш ёки бошқа моддий-шахсий муаммолар йўлида сарфланди бу маблағлар.

Марказий банк бошқарув раиси туёқ сони кўпаймаган ҳолда гўштга талаб ошаётганини, шу сабаб нарх кўтарилаётганини айтди. Унинг таъкидлашича, ҳозирда маҳаллий ҳокимлик ва банкларга туёқ сони кўпайтирилдиган тақдирдагина чорва учун кредитлар ажратиш талаби қўйилмоқда.

Демакки, шу пайтгача чорва учун триллионлар ажратилган, аммо туёқ сони кўпаймаган. Албатта, марказий банк қўяётган мазкур талаб қатъий назорат билан амалга оширилса, самара беради. Аммо бунинг натижасини кўриш учун ҳали яна йиллар керак.



Салоҳиддин НУРИЕВ,
Самарқанд вилоят адлия
бошқармаси бошлиғи:

ГАЗЕТХОНЛИК ҲАМ КИТОБХОНЛИКНИНГ БИР КЎРИНИШИ

газета ўқимаслиги билан мақтанадиган бўлдилар. Ўзингиз биласиз, дунёда компьютер технологиялари энг ривожланган давлатлардан бири бу — Япониядир. Лекин ушбу мамлакатда кунига 3-4 миллион нусхада нашр этиладиган газеталар борлигига нима дейсиз? Айтмоқчиманки, ҳаётимизда радио-телевидение, Интернет билан бирга босма нашрларнинг ҳам ўз ўрни бор”, деган фикрларидан мен жуда таъсирландим.

Бойси шундаки, Юртбошимизнинг айна фикрлари нафақат таълим тизими вакиллари, балки барча соҳа ходимлари ва уларнинг раҳбарларига тааллуқлидир. Негаки, худди ўқитувчилар сингари бошқа касб эгалари ҳам ўз иш фаолиятига тааллуқли янгилик ва хабарларни, тажриба ҳамда билимларни ўша тизим нашрларидан олади. Қолаверса, ҳар бир корхона, ташкилот ва муассаса раҳбари бу борада ўз жамоасига — ходимларига ўрнак бўлиши шарт. Аслида газетхонлик ҳам китобхонликнинг кичик бир кўринишидир, десак

хато бўлмайди.

Шу маънода айтганда, Адлия вазирлиги муассислигида қарийиб чорак асрдан буён (1996 йил январдан) чоп этилаётган “Инсон ва қонун” ҳуқуқий газетаси адлия органлари ходимларининг ҳуқуқий маслақдошидир. Шунингдек, мазкур газета ҳамюртларимиз учун ҳуқуқий маърифат булоғи ҳамдир. Чунки кимдир газетани ўқиб ҳуқуқий маслаҳат, маънавий озуқа олса, яна кимдир қонунчиликка оид тақлиф ва мулоҳазаларини ўз мақоласи орқали юртдошларимизга туҳфа этиши мумкин. “Инсон ва қонун” аралашуви билан ёки унинг ёрдами туфайли ҳуқуқ ва эркинликлари тикланган, муаммолари ечим топган фуқароларимизнинг эса саноғи йўқ.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, нашрдаги “Адлия одамлар орасида”, “Адлия ёрдам берди”, “Ҳуқуқшунос минбари”, “Суд очерки”, “Савол-жавоб”, “Мадад мадақкорингиз”, “Талқин”, “Бугуннинг гапи”, “Нуктаи назар” ва “Мутлола” рукнлари орқали газетхонлар адлия органлари,

судьялар, адвокатлар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг мақолалари ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича ҳорижий давлатлар тажрибасига оид тахлилий материалларни ҳар бир сонда орзиқиб кутишади.

Агар ҳуқуқий тарғибот адлия органларининг асосий вазибаларидан бири эканлигини назарда тутсак, ҳар бир адлия ходими биттадан фуқарони ёки корхона, ташкилот ва муассасани тўғри тушунтириш орқали ихтиёрий обунага жалб қилса, бир йил мобайнида ўша оилага ёхуд жамоага 52 мартаба ҳуқуқий маърифат кириб боради. Бошқача айтганда, обунани уюштирган адлия ходими шунча мартаба ҳуқуқий тарғиботни амалга оширди, дейиш ҳам мумкин. Бинобарин, мен “Инсон ва қонун”нинг кўп минг сонли ўқувчиларини келгуси 2021 йил учун ҳам обуна бўлишга, ҳамкасбларимизни эса ушбу нашр тарғиботида фаол бўлишга чақириб қоламан. Қолаверса, обуначилар сафи янада кенгайишига тилақдошман.

— ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги “Афсуски, биз кейинги йилларда “мажбурий обуна” баҳонасида ихтиёрий обунани ҳам йўқ қилдик. Бунинг натижасида мактаб ва олийгоҳларнинг ўқитувчи ва домлалари ўзлари учун зарур бўлган газета ва журналлардан ажралиб қолди. Шундай аянчли ҳолга келдикки, ҳатто айрим раҳбарлар

Қолат

Гўшт нархи қачондир тушадими?

Гўшт нархи қимматлашаётганига давлат органлари изоҳ бера бошлади

Яқинда Иқтисодий таъриқ ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги гўшт нархлари ошишига қуйидагича изоҳ берди:

- ем-хашак учун пахта хомашёси, пўстлоқ ва ем аралашмаси захираларининг мавсумий камайиши;
- Қозоғистон томонидан экспорт чекловлари туфайли қорамол импортининг қисқариши;
- 2020 йилнинг август ойи ўрталарида карантиндан сўнг умумий овқатланиш корхоналарининг гўшт ва гўшт маҳсулотларига талаби ўсгани таъсир қилган.

Маълумотларда айтилишича, 2020 йил январь-сентябрь ойларида Ўзбекистонда 1840 минг тонна гўшт ишлаб чиқарилган (2019 йилнинг мос даврига нисбатан 2,2 фоизга кўпроқ) ва 34 минг тонна гўшт импорт қилинган. Худди мана шундай муносабат ва изоҳларни қатор давлат органлари, вилоят ҳокимликлари ҳам бера бошлади. Масалан, Навоий вилояти ҳокими Қобул Турсунов вилоятда гўшт маҳсулоти аҳоли истеъмоли учун белгиланган меъёрдан 2,4 баробар кўп етиштирилганини маълум қилди. Сирдарё вилояти ҳокими озиқ-овқат захирасининг мўл-кўллигини қайд этиб ўтди. Бошқа вилоятлар ҳокимликлари ҳам бу борада маълумотлар тарқата бошладилар. Аммо реал вазият гўштининг қимматлиги. Қанча захира, қанча маҳсулот ишлаб чиқарилганидан қатъи назар бу бу борадаги изоҳлар деярли эшитилмаяпти.

Нархларга чеклов қўйиш бу ечимми?

Жуда кўплаб, деярли барча иқтисодчиларнинг фикрича, нархларни назорат қилиш, умуман, барча маҳсулот турларига нисбатан ҳам мақбул ечим эмас. Нархни белгиланган шароитдан келиб чиқиб бозор белгилаши керак. Акс ҳолатда сифат масаласида анча паст натижага эришамиз. Харидорни алдаш, қинғир йўллар билан бозорга маҳсулот киритиш ҳоллари кўпаяди, раста ости савдо қилиш авж олади. Охир-оқибат, барибир аҳоли учун қулайлик бўлмайди. Бунда фермерлар, таъминотчилар, савдо тизимидагилар ва қассоблар чеклов орқали чегараланган пулларни гўшт нархига қўшадилар.

Яхши ва сифатли маҳсулот истовчи харидор раста остидан барибир ўша қиммат нархни тўлайди. Бундай олди-сотдини чўнтаги кўтармайдиганлар эса сифатсиз маҳсулот билан чорасиз қолади. Бундан бир-икки йил аввал худди шундай гўшт нархи қимматлашуви ва нархларга чеклов ўрнатилиши ортидан бозорга эшак гўшлари ва ўлган мол гўшлари ҳам кириб келганини унутмаслигимиз керак. Айтишларича, ҳозирда бозорларга 60-70 минг сўм чеклови билан чиқарилаётган гўшлар эса асосан сўйилишга мўлжалланган қорамолларни 2-3 ойда интенсив боқиш, хусусан, биоқўшимчалар билан озиқлантириш ҳисобига шакллантирилган экан. 2-3 ойда бундай усулда боқилган қорамоллар тез вазн олиб, сўйилади, аммо гўштининг асосий қисми ёғ билан қопланган бўлади.

Шу сабаб охириги пайтлар гўшт расталарига ҳавояки ёпиштирилган “60 минг сўм” ёзувига бозорни тушунадиганлар ўз хавотирларини билдирмоқдалар.



Глобал озиқ-овқат инқирози башорат қилинди

Апрель ойининг бошидаёқ коронавирус пандемияси сабаб глобал миқёсда озиқ-овқат инқирози башорат қилинган эди. БМТ Озиқ-овқат дастури прогнозига кўра, коронавирус пандемияси ортидан глобал озиқ-овқат инқирози кутилмоқда. Дастур мутахассислари 2020 йилда 265 миллион киши очликдан азият чекишини башорат қилган эди. БМТ ҳисоб-китобларига кўра эса, ҳозирги кунда дунё бўйлаб 820 миллиондан ортиқ одам очликдан азият чекмоқда. Фақатгина Шарқий Африкада Жанубий Судан, Эфиопия, Сомали ва Кения каби мамлакатларда 15 миллион киши тўйиб овқатланмайди. Африканинг деярли барча мамлакатларига тарқалган коронавирус кўплаб минтақаларда, айниқса, иқтисодиёти ва соғлиқни сақлаш тизими заиф бўлган жойларда ҳақиқатан ҳам қийин вазиятни юзага келтирди.

Шунга қарамай, глобал қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш барқарор бўлиб тургани айтилмоқда. Сўнгги 10 йил ичида

гўшт ишлаб чиқариш ҳажми 10 фоизга ошган. Худди шунингдек, донли маҳсулотлар етиштириш ҳажми ҳам йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Мухими, озиқ-овқат маҳсулотлари нархи нисбатан барқарор даражада сақланиб турибди. Мисол учун, АҚШ биржаларида бугунги кунда буғдойнинг нархи 1970 йилдаги ўртача кўрсаткичдан атиги 20 фоизга қиммат.

Тахлилчилар маълумотида кўра, коронавирус пандемияси туфайли глобал жорий этилган карантин чоралари қишлоқ хўжалигига жиддий таъсир кўрсатмаган. Хусусан, жаҳоннинг ҳеч бир мамлакатда фермерларнинг ишлаши ва ҳаракатида жиддий чекловлар киритилмаган.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, пандемия 2025 йилга келиб глобал иқтисодиётга тахминан 35 триллион доллар миқдорда зарар етказиши мумкин. Ҳозир жаҳон иқтисодиёти коронавирус пандемияси сабабли инқироздан сўнг тикланишининг энг юқори чўққисини бошдан кечирмоқда, аммо йил охиригача мамлакатлар янги иқтисодий муаммоларга дуч келишлари мумкин, деб ёзмоқда Bloomberg нашри.

Қачондир гўшт нархи тушадими?

Молиявий ҳисоб-китобларда пандемиянинг эҳтимолий рисклари албатта назарда тутилиши лозим. Ва иқтисодий шарт-шароит ҳисобга олинган ҳолда қайсидир маънода аҳолига нарх-навони назорат қилиш орқали енгилликлар берилиши ўринли. Аммо қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари масаласига келганда, айнан, гўшт маҳсулоти мисолида бозор қоидалари ҳал этадиган паст-баландликни назоратда ушлаб туриш кутилган самарани бермаслиги аёнлашади. Бунда иқтисодий тахлилларга асосланиб қуйидаги талаб ва тақлифларни ўртага ташлаш мумкин:

- чорвачилик учун ажратиладиган кредитлар ва ҳар қандай имтиёзли шартларни назоратда ушлаш;
- чорва моллари етиштиришни саноат миқёсида сифатли даражада ташкиллаштириш;
- нарх назоратини камайтириш, кўзбўямачилик асосида шакллантирилган нархларга чек қўйиш;
- бу борада экспертлар билан доимий тахлилларни олиб бориш.

Тахлилчилар фикрига асосланиб айтиш мумкинки, шу каби асосий босқичлардан ўтилган тақдирда ҳам гўшт нархи арзонлашиши билан боғлиқ натижани келгуси 3-5 йиллардагина кўриш мумкин.

Мадҳия АБАЗОВА,
“Инсон ва қонун” мухбири

Бухоро
вилояти

ИШДАН НОҚОНУНИЙ БЎШАТИЛГАН ХОДИМ ЎЗ ВАЗИФАСИГА ТИКЛАНДИ



БУХОРО шаҳрида яшовчи фуқаро Н.М.нинг “Микрокредитбанк” АТБ Бухоро минтақавий филиали томонидан ноқонуний ишдан бўшатирилганлиги ҳақидаги мурожаати вилоят адлия бошқармаси ходимлари томонидан ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, “Микрокредитбанк” АТБ Бухоро минтақавий филиали билан фуқаро Н.М. ўртасида тузилган меҳнат шартномаси вилоят филиалининг 2020 йил 3 июлдаги буйруғига асосан шу куннинг ўзидаёқ иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинганлиги, бироқ меҳнат шартномасини бекор қилишда бир қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги маълум бўлди.

Жумладан, фуқаро Н.М. томонидан иш фаолияти давомида чек варақаси орқали маблағни банк ҳисобхонасидан белгиланган тартибда ўтказилмасдан чиқим қилиб берилганлиги натижасида корхонага зарар етказилганлиги сабабли, меҳнат интизомини бир марта қўпол равишда бузилганлиги вази билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган.

Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 182-моддасида интизомий жазо бевосита ножўя хатти-ҳаракат аниқлангандан кейин, аммо бу хатти-ҳаракат аниқлангандан бошлаб, ходимнинг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳисобга олмасдан, узоғи билан бир ой ичида қўлланилиши белгиланган.

Бундан ташқари, иш берувчи томонидан ходимга интизомий жазони қўллашда содир этилган ножўя хатти-ҳаракатнинг қай даражада оғир эканлиги, шу хатти-ҳаракат содир этилган вазият, ходимнинг олдинги иши ва хулқ-атвори ҳисобга олинмаган, яъни фуқаро М.Н.нинг иш ҳажми ошганлиги, буйруққа асосан М.Қ.нинг меҳнат таътили даврида унинг вазифасини ҳам вақтинча бажариш унинг зиммасига юклатилганлиги инобатга олинган.

Шунингдек, фуқаро М.Н. билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинган бўлса-да, иш берувчи ходимни меҳнатга оид муносабатларнинг бекор қилиниши тўғрисида камида уч кун олдин хабардор қилиш тартибига риоя қилмаган ёки унга шунга мутаносиб компенсация тўланмаган.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан “Микрокредитбанк” АТБ Бухоро минтақавий филиалининг буйруғини бекор қилиш, ишга тиклаш ва ғайриқонуний равишда меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги сабабли мажбурий прогул учун компенсация тўлови ва маънавий зарарни ундириш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича Бухоро туманлараро судига даъво ариза киритилди ва суднинг қарорига асосан филиалнинг буйруғи бекор қилиниб, мурожаат муаллифига мажбурий прогул учун 9 914 407 сўм, маънавий зарар учун 3 500 000 сўм жами 13 414 407 сўм ундириб берилди.

Туйғун АЗИМОВ,
Бухоро вилоят адлия бошқармаси
масъул ходими

Қорақалпоғистон
Республикаси

ҚОНУНИЙ “БИЛМАГАН” ЖАРИМАЧИЛАР

Мониторинг давомида қонунчилигимизда карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида ваколатли органнинг махсус талабларига зид равишда жамоат жойларида ниқобсиз бўлиш базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланган. Шунингдек, ҳуқуқбузар унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кун ичида жарима миқдорининг етмиш фоизини ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда, у жариманинг қолган қисмини тўлашдан озод қилинади, деб кўрсатилган бўлса-да, бу талабларга амал қилинмаганлиги аниқланди.

Масалан, Нукусда жамоат жойида тиббий ниқобсиз юрган, фуқаро Д.Д.га 2020 йил 6 апрель куни жарима солинган, унга

шу куннинг ўзидаёқ жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган, лекин орадан бир кун ўтиб жаримани тўламоқчи бўлган Д.Д.дан базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорда, яъни 1.115.000 сўм жарима ундирилган. Ваҳоланки, фуқаро жарима суммасини кечиктирмасдан тўлагани учун ундан 70 фоиз сума ундирилиши керак эди.

Худди шундай қонунбузилиш ҳолатлари фуқаролар Т.Ф.дан 1.115.000 сўм, К.А.дан 1.115.000 сўм, Б.Ю.дан 1.115.000 сўм, А.Н.дан 223.000 сўм, М.Т.дан 669.000 сўм, У.Ж.дан 223.000 сўм, Т.Ш.дан 223.000 сўм, Б.Г.дан 223.000 сўм миқдорда жарималар ундирилган.

Маълумки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 294-моддасида маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилиши белгиланган.

БЎЛИМИМИЗ томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Давлат санитария-эпидемиология нazorати бошқармаси Нукус шаҳар филиалида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс талабларига амал қилиниши, хусусан, ҳуқуқбузарликлар тўғрисида тузилган баённомалар мониторинги ўрганилди.



Фуқаро Б.Б.га нисбатан 4.460.000 сўм миқдоридagi жарима қўллаш тўғрисидаги қарор чиқарилган. Аммо фуқарога унинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилмаган.

Худди шундай қонунбузилиш ҳолати фуқаро К.У.га нисбатан жарима қўллаш тўғрисидаги қарорда ҳам такрорланган. Бўлимимиз томонидан киритилган тақдимнома натижасига кўра, фуқаролардан ортиқча ундирилган 2.738.440 сўм маблағлар ўз эгаларига қайта тўлаб берилди ва кодекснинг 294-моддасида маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилмаган 4.683.000 сўмлик 2 та маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қарор бекор қилинди.

Алишер АТАЖАНОВ,
Нукус шаҳар адлия бўлими бошлиғи

Сурхондарё
вилояти

САРИОСИЁДА ИЖРОСИ ТАЪМИНЛАНМАГАН БУЙРУҚЛАР БАЖАРИЛДИ

САРИОСИЁ туман адлия бўлими томонидан туманда фаолият юритаётган бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари томонидан аҳолига патронаж хизматини кўрсатилиши ва уни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси таҳлил қилинди.



Таҳлил жараёнида Сарииосиё туман тиббиёт бирлашмасининг айрим мансабдор шахслари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 сентябрдаги 718-сон қарори билан тасдиқланган “Марказий туман (шаҳар) кўп тармоқли поликлиникалари, шаҳар ва қишлоқ оилавий поликлиникалари, қишлоқ врачлик пунктлари ҳамда ўрта тиббиёт ходимлари фаолияти самарадорлигини рейтинг баҳолаш тартиби тўғрисида”ги Низом талаблари қўпол равишда бузилган.

Жумладан, 2018 йилнинг апрель ойида мониторинг ўтказилган рейтинг баҳолаш натижалари бўйича тегишли балл тўплаган ўнлаб патронаж ҳамширалари ва умумий амалиёт шифокори, травматолог хонаси фельдшерига 5, 10 ва 15 фоиз миқдорда рағбатлантириш устама ҳақи белгиланган бўлса-да, ўрганиш кунига қа-

дар устама ҳақи тўлаб берилмаган.

Худди шунингдек, 2018 йилнинг октябрь ойида навбатдаги мониторинг ўтказилган рейтинг баҳолаш натижалари бўйича тегишли балл тўплаган 8 нафар патронаж ҳамшираларига, 1 нафар шифокорга 5 фоиз миқдорда рағбатлантириш устама ҳақи белгиланган бўлса-да, устама ҳақи тўлаб берилмаганлиги аниқланди.

Бундан ташқари, 2019 йилнинг апрель ва 2019 йилнинг октябрь ойларида навбатдаги мониторинг ўтказилган рейтинг баҳолаш натижалари бўйича тегишли балл тўплаган 31 нафар патронаж ҳамшираларига 5 фоиздан 15 фоизгача, 1 нафар қишлоқ оилавий поликлиника акушер-гинекологига 5 фоиз, миқдорда рағбатлантириш устама ҳақи белгиланган бўлса-да, уни тўлаш

пайсалга солинган.

Тиббиёт ходимларини рағбатлантириш бўйича буйруқлар расмийлаштирилган бўлса-да, ушбу буйруқлар ижроси таъминланмаган.

Сарииосиё туман тиббиёт бирлашмаси мансабдорларининг ҳаракатсизлиги натижасида рейтинг баҳолаш натижалари бўйича тегишли балл тўплаган жами 87 нафар патронаж тиббиёт ҳамширалари ва умумий амалиёт врачларига НХХ белгиланган бироқ тўланмаган 5 фоиздан 15 фоизгача миқдорда рағбатлантириш устама ҳақи туман адлия бўлимининг аралашуви билан тиббиёт бирлашмаси томонидан 5 101 706 миллион сўм тўлаб берилиши таъминланди.

А.ШАРИПОВ,
Сарииосиё туман адлия
бўлим бошлиғи

Жиззах
вилояти

Фойдаланилмаган таътил кунлари учун КОМПЕНСАЦИЯ ТўЛАНМАГАН

Бўлимимизга “Ержар” маҳалласида яшовчи фуқаро А.Ла-типов шикоят аризаси билан мурожаат қилди. Таъкидлашча, унга “Ватанпарвар” ташкилоти Гагарин ўқув-спорт техник клуби унитар корхонасида 2014 йилдан 2020 йилга қадар ишлаган даврида фойдаланилмаган таътил кунлари учун пуллик компенсация тўланмаган. У мазкур пулни ундириб беришда амалий ёрдам сўради.

Ўрганишда мурожаатчининг вазлари ўз тасдиғини топди. Фуқаронинг 6 йил давомида ўз ишонасида фойдаланилмаган таътил кунлари учун у билан қайта ҳисоб-китоб қилиниб, сума тўлиқ тўлаб берилишига эришилди.

Ўлмас АБДИЕВ,
Мирзачўл туман адлия бўлими бошлиғи

Қушнинг ҳам ини бузилмасин!

ОМБУДСМАН манзилига жорий йилнинг 9 ойи давомида фуқароларнинг хусусий мулкка бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ 385 та мурожаати келиб тушди. Унда давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларнинг 236 та турар ва 149 та нотураржойларига бўлган ҳуқуқлари бузилганлиги таъкидлаб ўтилган.



ХУСУСИЙ МУЛК ЭГАЛАРИ НИМАДАН НОРОЗИ БЎЛМОҚДА?

Фуқароларнинг хусусий мулкни давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилганлиги билан боғлиқ мурожаатларнинг аксарияти Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек ва Шайхонтоҳур туманлари, Тошкент вилоятининг Оҳангарон ва Янгийўл туманлари, Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳри ва Чироқчи тумани ҳамда Самарқанд вилоятининг Самарқанд шаҳри ва Самарқанд туманларига тўғри келмоқда.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) томонидан бино-иншооти бузилиб, ер участкаси олиб қўйилган жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ёки олиб қўйилган мулклари учун 4 миллиард сўмдан ортиқ компенсация пулларини тўлаб берилишида, 14 нафар фуқарога уй-жой куриш учун ер участкаси ажратиб берилишида, 5 нафар фуқарога уй-жой ажратиб берилишида, 3 нафар фуқарога бузилган савдо дўкони учун ер майдони ажратилишида ёрдам берилди ҳамда уларнинг ҳуқуқлари таъминланди.

Шунингдек, бир қатор тadbиркорларнинг Тошкент вилояти Янгийўл тумани “Янгийўл савдо

комплекс” МЧЖ худудидаги савдо дўконлари бузилиши муносабати билан компенсация пуллари тўланмаётганлиги ҳақида ёзган мурожаати Омбудсманнинг алоҳида иш юритувига олинди. Аниқланишича, Вазирлар Маҳкамасининг баёни ҳамда Янгийўл шаҳар ҳокимининг қарорига асосан шаҳарнинг Регистон ва Ниёзбош кўчаларини бир-бирига боғлаш белгиланган, шу мақсадда темир йўл устидан кўприк курилиши муносабати билан “Янгийўл савдо комплекси” МЧЖ худудидаги бино-иншоотлар бузилишига тушган. Вақилнинг аралашуви билан, мурожаатда қайд этилган фуқароларнинг 35 та савдо дўкони учун 8 нафарига 781,4 миллион сўм миқдорда компенсация пули тўланиб, 6 нафарига 315,9 миллион сўм компенсация пулини тўлаш бўйича вилоят ҳокимлигига сўровнома киритилди.

Яна бир мисол, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) номига фуқаро М.А. ва бошқалар мурожаат қилиб, Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳридаги яшаб турган уй-жойлари 2018 йил Оҳангарон шаҳар

ҳокимлигининг мансабдор шахслари томонидан олдиндан хабардор қилинмасдан ҳамда розилиги олинмасдан бузиб ташланганлигини билдиришди.

Ваҳоланки, Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилишга фақат ер участкаси олиб қўйилиши режалаштирилатган манфаатдор шахслар билан очик муҳокама ўтказилганидан, шунингдек, фойда ва харажатлар баҳоланганидан кейин йўл қўйилиши ҳамда ер участкаларини олиб қўйишда жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган тураржой ва ишлаб чиқариш бинолари, бошқа иморатлар ва иншоотларнинг бузилишига кўчмас мулкнинг бозор қиймати ва олиб қўйиш сабабли мулкдорга етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қопланганидан кейин рухсат берилиши мустаҳкамлаб қўйилган.

Тураржойи давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан бузилганлиги боис унга

тураржой куриш учун мутаносиб равишда ер майдони ажратиш мажбуриятини юклаш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарори мавжуд бўлса-да, узок йиллар давомида суд қарори маҳаллий ҳокимликлар томонидан ўз вақтида ижро этилмаётганлиги ҳам фуқароларнинг норозилигига сабаб бўлмоқда.

Масалан, фуқаро М.М.нинг Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)га ёзган мурожаатидан аниқланишича, Хива шаҳар адлия бўлими фуқаро М.М.нинг манфаатларини кўзлаб Хива шаҳар маъмурий судига тураржойи давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан бузилганлиги боис, унга тураржой куриш учун мутаносиб равишда ер майдони ажратиш мажбуриятини шаҳар ҳокимлигига юклаш юзасидан қилган даъво аризаси суд томонидан қаноатлантирилган ва ижрога чиқарилган. Лекин ижро ўз вақтида амалга оширилмаган.

Ваҳоланки, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 82-модасида ижро ҳужжатини ижро этмаганлик, шунингдек, унинг ижро-

сига тўсқинлик қилганлик қонунда назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлиши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, хусусий мулк дахлсиз ва у давлат ҳимоясида бўлса-да, судлар томонидан мулкдорни мажбурий тарзда яшаш имкониятига эга бўлмаган, умуман бошқа ҳудудга кўчириш ҳақида қарор қабул қилинмоқда.

Масалан, фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туманлараро суди ҳал қилув қарори билан даъвогар “Perspective-Building” МЧЖнинг фуқаро Д.Х.га нисбатан тураржой берган ҳолда уй-жойдан кўчириш ва фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган, деб топиш ҳақидаги даъво талаблари қаноатлантирилган. Суд ҳал қилув қарорини чиқаришда Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 97-сонли қарори билан тасдиқланган Низомни асос қилиб олган. Ваҳоланки, мазкур қарор 2020 йил 1 январда ўз қучини йўқотган.

Яна бир муаммо шундаки, Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони талабларига зид тарзда фуқароларнинг ер участкалари бошқа мақсадларда (тадбиркорлик мақсадларида) олиб қўйилмоқда.

Ваҳоланки, Фармонда давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш мақсадлари аниқ белгилаб ўтилган.

- мудофаа ва давлат хавфсизлиги, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эҳтиёжлари, эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилиш ва уларнинг фаолият юритиши учун ерларни тақдим этиш;
- халқаро шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш;
- фойдали қазилмалар конларини аниқлаш ва қазиб чиқариш;
- автомобиль ва темир йўллари, аэропортлар, аэродромлар, аэронавигация объектлари ва авиатехника марказлари, темир йўл транспорти объектлари, кўприклар, метрополитенлар, тоннеллар, энергетика тизими объектлари ва электр узатиш тармоқлари, алоқа тармоқлари, космик фаолият объектлари, магистрал кувурлар, муҳандислик-коммуникация тармоқларини куриш (реконструкция қилиш);
- аҳоли пунктлари бош режаларини Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан объектлар куриш қисмида ижро этиш, шунингдек, қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида тўғридан-тўғри назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Ачинарлиси, баъзи ҳолларда маҳаллий ҳокимият вакиллари томонидан фуқароларнинг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларини кафолатловчи ҳужжатлари атайлаб йўқотилмоқда.

Масалан, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эшонгузар кўрғонида истиқомат қилувчи фуқаро М.Ж.нинг мурожаатида маълум қилинишича, 1994 йил 24 декабрдаги ҳокимнинг қарорига асосан унга қонуний тегишли бўлган уй-жойини давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи кадастр ҳужжатлари ҳеч бир асоссиз қалбаки деб топилиб, унинг кўз ўнгида йиртиб ташланган. Ҳозирги кунга қадар фуқаро М.Ж. ногирон турмуш ўрғоғи билан уй-жойга эгалик ҳуқуқини қайта тиклаш масаласида масъул мансабдор шахсларга мурожаат қилиб келмоқда.

Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни, автомототранспорт воситаларининг ва улар тиркамаларининг (ярим тиркамаларининг) давлат рақам белгиларини эгаллаш, нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш ёки уларни яшириш Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 27-моддаси билан жиноий жавобгарлик масаласи белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, фуқароларнинг хусусий мулкка бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ қонун ҳужжатлари ҳамда амалиётини янада такомиллаштириш бўйича қуйидагилар таклиф этилади:

- давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилаётган (сабаби кўрсатилган ҳолда) ер участкалари жойлашган ҳудуд ҳақидаги барча маълумотлар маҳаллий ҳокимиятнинг расмий веб сайтыда эълон қилиниши лозим;
- ҳудудларда давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйилиши муносабати билан таклиф қилинадиган барча уй-жой ва бинолар манзиллари аниқ кўрсатилган электрон база шакллантирилиши ва фуқаро уни бориб кўриш имкониятига эга бўлиши лозим. Ушбу ҳолат шаффофликни таъминлайди ва коррупциянинг олдини олишга хизмат қилади. Шунингдек, ҳокимият ва фуқаро ўртасида юзага келадиган турли низоларнинг олдини олади;
- давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун бузилган хусусий мулк ўрнига ажратиладиган мулк, уй-жой ёки бино объектларининг фуқароларга берилиш муддати аниқ қилиб белгилаб қўйилиши, бунда ҳар бир кечиктирилган муддат учун фуқарога пеня тўлаш зарур;
- судлар томонидан уй-жойдан кўчириш ҳақидаги ҳал қилув қарори қабул қилинаётганда, айнан шу аҳоли пункти жойлашган ҳудуддан тураржой берилиши лозимлигига, таклиф этилаётган уй-жой барча қулайликларга эгаллигига, фуқароларнинг иш ёки ўқиш масканига яқинлигига алоҳида эътибор қаратилиши шарт.

Жасур ИСЛАМОВ,
Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)
котибиятининг мурожаатлар билан ишлаш сектори мудир

ДУНЁНИНГ коррупция муаммолари билан шуғулланувчи “Transparency International” халқаро ташкилотининг маълумотларига кўра, айни дамда дунёда содир бўлаётган кўп жиноятларга сабаб бўлаётган коррупция, халқимиз тили билан айтилганда порахўрлик натижасида йилига бир триллион АҚШ доллари ортиқ маблағ ўзлаштирилган экан.

КОРРУПЦИЯ ТАРАҚҚИЁТ ТОМИРИНИ ҚУРИТАДИ

Шу боис, коррупция аталмиш иллатни ҳеч иккиланмай “аср вабоси” ва “тараққиёт кушандаси”, деб аташ мумкин. Демократик қадриятлар қарор топиб бораётган бир вақтда давлат хизматчилари томонидан порахўрлик, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилиши ҳокимиятнинг обрўсизланишига, амалдаги қонунларга нисбатан ишончсизлик, норозиликка, натижада давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий тизимига пугур етишига сабаб бўлиши билан ўта хавфлидир.

Коррупция бу — мансаб мавқеидан шахсий мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жиноят тури ҳисобланади. Коррупция фаолияти хуфиёна иқтисодиётнинг асосий турларидан биридир. Аксарият ҳолларда коррупция, деганда давлат хизматчилари томонидан шахсий манфаатларни кўзлаб, бойлик орттириш мақсадида халқдан пора олиш, қонунга хилоф равишда даромад орттириш тушунилади. Аммо умуман олганда, давлат амалдорларига эмас, балки давлат ташкилотидан ишламайдиган фуқаролар ҳам коррупцияга доир муносабатларнинг иштирокчилари бўлиши, пора пул эмас, балки бошқа нарса эвазига маълум хизматни амалга оширишлари мумкин.

Коррупция фуқаронинг давлат вакили билан маъмурий муносабатлари маъно-моҳиятини ўзгартиради ва жамият учун ҳам, давлат учун ҳам салбий оқибатларни келтириб чиқаради. “Коррупция — давлат органлари ходимлари моддий ёки мулкий йўсинда фэйриқонуний шахсий наф кўриш мақсадида ўз хизмат мавқеидан фойдаланишида ифодаланган ижтимоий ҳодисадир.

Президентимизнинг “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан фуқаролик жамияти институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш фурсати етганлигини таъкидлаб ўтган эди.

Давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан кучли жамоатчилик назоратини амалга ошириш фуқаролик жамиятини барпо этишнинг энг муҳим шартларидан ҳисобланади. Зотан, фуқароларнинг фаоллиги, ижтимоий ҳодисаларга бефарқ бўлмаслиги ҳамда ҳар бир давлат хизматчисининг ўз фаолиятини жамоатчилик назорати остида эканлигини чуқур ҳис этиб бориши фуқаролик жамиятини мустақамлашнинг муҳим шартидир. Буни давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, биз давлатнинг назорат функцияларини қанча кучайтирсак, назорат билан шуғулланувчи давлат тузилмалари ва органларини қанча кўпайтирсак, амалдорларнинг зўравонлиги ва коррупция шунча авж олаверади. Шунинг учун биз жамоатчилик назоратини, давлат фаолияти, шу жумладан, унинг куч ишлатувчи тузилмалари фаолияти устидан ҳам жамият назоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Бу масалада бундан бошқа муқобил йўл йўқ. Шу маънода айтганда, “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунни қабул қилишнинг аҳамияти беқиёсдир.

Бугунги кунга қадар республикамизда коррупцияга қарши қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган, тегишли чора-тадбирлар кўрилган бўлса-да, бироқ давлат бошқарувини халқ олдида обрўсизлантирувчи бу ёвуз иллатга қарши тизимли ва самарали кураш учун зарур бўлган бир қатор унсурлар етишмаётган эди. Бу кўп жиҳатдан соҳага оид ҳуқуқий нормаларнинг етарли даражада такомиллашмагани, ҳатто коррупция тушунчаси қонунчиликда аниқ-равшан белгиланмагани, қонунларда бу борадаги сиёсат, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотлар аниқ кўрсатиб ўтилмаганига бориб тақаларди. Махсус қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда бу иллатга қарши жадал кураш олиб боришнинг қонуний асосларини такомиллаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш жараёнида қонун ҳужжатларининг ижроси билан биргаликда юрдошларимиздан огоҳлик ва масъулият талаб этилади. Барча бирдек жойлардаги жамоатчилик назорати билан ҳамкорликни кучайтирсак коррупциянинг илдици, албатта, қурийдир. Шундагина мамлакатимиз янада тараққиёт этиб, одамларимизнинг турмуши фаровонлашиб бораверади.

Дониёрбек ЭШЧАНОВ,
фуқаролик ишлари бўйича
Шовот туманлараро суди судьяси

ЖИНОЯТ ҲАҚИҚАТИ ВА АДОЛАТ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2018 йил 7 ноябрдаги “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан 2019 йил 1 январдан бошлаб вилоят ички ишлар бошқармасида пробация бўлими, шаҳар-туман ички ишлар органларида эса пробация гуруҳлари ташкил этилди.



БЕШ ҚҮЛ
БАРОБАР
ЭМАС...

Қарор ижросини таъминлашда ўтган даврнинг 9 ойи давомида пробация гуруҳи ҳисобида туриб, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган, суд томонидан белгиланган чекловларга тўлиқ риоя этган 2 минг 62 нафар маҳкумга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 73-моддасига асосан инсонпарварлик далолатномалари қўлланилиб, жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод этилди.

Шунингдек, билиб-билмай жиноятга қўл урган шахсларга нисбатан сайёр судларнинг жорий этилиши, унда тумандаги ҳуқуқ-тартибот органи ходимлари, МФЙ фаоллари иштироки натижасида ижобий самарага эришилмоқда.

Аммо “Беш қўл баробар эмас”, деганларидек, айрим ҳолатларда вилоят пробация хизмати ҳисобида турувчи шахслар ахлоқ тузатиш жазосига ҳукм қилинган бўлсалар-да, белгиланган жазони ижро этишдан бўйин товлайди. Оила-си, фарзандлари олдида тинчгина яшашни, меҳнат қилишни негадир хоҳлашмайди. Аслида турмуш тарзи, яшаш шароити билан қизиққанмишда жиноятга алоқаси бўладиган ҳеч қандай иллатнинг йўқлигига гувоҳ бўламиз. Лекин ич-ичидан қоида бузишга мойиллик борлиги ажаблантиради.

Албатта, уларга нисбатан жазо тури ўзгартирилади. Ана шундай ҳолатга тушган 498 нафар шахс

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 46-моддасига асосан жазони ўташдан бўйин товлаганликлари учун жазони ижро этиш муассасаларига қайтарилди.

Айтайлик, Чиноз тумани ИИО пробация гуруҳи ҳисобида аввалдан турган, Жиноят кодексининг 164-моддаси, 2-қисми, 97-моддаси 1-қисми ҳамда 169-моддаси, 3-қисми билан муқаддам 3 марта судланган Артём Мазякиннинг юриш-туриши, хулқи анча ўзгарганди. Аммо, нима бўлдики, ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан бўйин товлай бошлади. Наҳотки, бир марта хато босилган қадам бир умр шахснинг онгига таъсир қилса, яна жиноят сари ундаса... Қоида бузувчига нисбатан чора кўрилди, жазони ижро этиш муассасасига қайтарилди.

Шунга ўхшаш белгиланган жазони тинчгина ўташдан бўйин товлаш ҳолатлари Бўстонлик, Янгийўл, Зангиота туманларида ҳам кузатилди.

АНДИЖОНЛИК ЎҒРИЛАР

Фарғонада қўлга олинди

ОДАТДА ўғрилар бирор жойни ўмариш учун ўзининг яшаш худудидан узокроқни мўлжаллайдики, бунда жиноятини осонроқ яшириши ва шу орқали фош бўлмаслигини ўйласа керак. Аммо қилни қирқ ёрувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари ҳар қандай вазиятда ҳам жиноятчиларни топиб, жазо муқаррарлигини таъминлаб келишади.

Андижон шаҳрида яшовчи Хушнудбек Шарофиддинов (исм-шарифлари ўзгартирилган) ва Асилбек Латиповлар ҳам Фарғона шаҳрига келиб, ўғирликка қўл уришганда қилмишлари сирлигича қолишини назарда тутишганди.

Ўша кунни улар тунги соат 00:30 ларда Фарғона шаҳрига аниқроғи, А.Навоий кўчасидаги 41Б-уй олди-га етиб келишади. Сўнгра атрофда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, уй олдида турган, фуқаро Т.Нуриддиновга тегишли “Lacetti” русумли автомобилнинг олди эшик қўлини бузиб очишади. Натижада автомобиль ичидаги нархи 95 АҚШ долларига тенг “Sho-me” номли антирадар аппарати, бир донна нархи 150.000 сўмлик қора рангли сумка ва ундаги нархи 2.400.000 сўмлик “Fujitsu” русумли ноутбук ҳамда Т.Нуриддиновнинг фуқаролик паспортини ўғирлашади.

Шундан кейин ҳамтовоклар нарироқдаги 44Б-уй ёнига боради. Бу ерда эса фуқаро Ш.Холматовга қарашли “Cobalt” русумли автомобил қаровсиз қолдирилгани ва атрофда ҳукм сураётган жимжитлик “меҳмон”ларга жуда қўл келади. Икковлон “Cobalt”нинг эшик ойнасини бемалол синдириб, салонда турган нархи 200.000 сўмлик аёллар ҳа-

мёни, 200 АҚШ доллари, 160.000 сўм пул ва ҳисобида 200.000 сўм маблағи бўлган банк пластик картасини ўмариб кетишади.

Бироқ “қаҳрамон”ларимиз бу билан қаноатланмайди. Пировардида соат 01:20 ларда шаҳарнинг Оқ йўл кўчасига — Фарғона шаҳар газ таъминоти филиали олди-га келиб, ўғирликни давом эттиришади. Аниқроғи, идора биноси ёнида қолдирилган, фуқаро Ш.Қодировнинг “Lacetti” русумли автомобилнаси олд эшигини аввалги усулда қўлини бузишади. Кейин нархи 110 АҚШ долларлик антирадар аппарати, транспорт воситасини қайд қилиш гувоҳномаси, ҳайдовчилик талони, автомобиль юкхонасидаги нархи 50.000 сўмлик қора рангли сумка ва унинг ичидаги 1200 АҚШ доллари ҳамда 3.000.000 сўм пулларни ўғирлаб, воқеа жойидан яшириришади. Сўнгра жабрланувчи Т.Нуриддиновнинг фуқаролик паспорти ва жабрланувчи Ш.Қодировнинг ҳайдовчилик талони ҳамда транспорт воситасини қайд қилиш гувоҳномасини шаҳар худудидан оқиб ўтган сойга ташлаб юборишади. “Fujitsu” русумли ноутбукни ўғирланганини айтмай фуқаро М.Машраповга 1.600.000 сўмга сотиб юборишади. “Sho-me” номли анти-

Эндиликда қоидабузарликларнинг олдини олиш мақсадида қайта жиноят содир этиш хавфи юқори бўлган 184 нафар маҳкумнинг ижтимоий-руҳий ҳолати ўрганилиб, улар билан доимий равишда профилактик-огоҳлантирув тадбирлари ўтказилиб келинмоқда. Ҳар бир шахс, аввало, инсон эканлигини ёдда тутиб, тақдирига бефарқ бўлмаслик бурчимиз. Шу сабаб, имкон қадар оиласи бағрида, ҳалол меҳнат қилиб, фаровон турмуш кечиришига шароит яратишга ҳаркат қилаёямиз.

Баъзан шундай ҳолатлар ҳам бўладики, шунча ҳаракат қилсанг ҳам заррача ёрдамнинг тегмаётганини кўриб, хайратга тушасан. Ангрен шаҳар ИИО пробация гуруҳи ҳисобида турувчи Ўткиржон Қалбаевнинг ахлоқ тузатиш ишлари яшаш жойида текширилганда, у жазони ўташдан қасддан бош тортиб, спиртли ичимлик истеъмол қилиб юрганлиги маълум бўлди. Оқибатда, ҳар кунги мастлик бош мия толаларини емира бошлагани аниқланди. У Тошкент вилояти наркология диспансерига даволаш учун жойлаштирилди.

Албатта, нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, назоратдаги шахсларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш бўйича 56 мартаба меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Жазо ўташдаги 1015 нафар шахсга ишга йўлланма берилди ва доимий ҳамда вақтинчалик ишларга жойлаштирилди. 841 нафари қайта касбга йўналтирилди, 349 нафари эса касбга йўналтириш бўйича бепул ўқув курсларига юборилди. Бундан кейин ҳам вилоятимизда жиноятчиликни камайтириш, намунали худудлардан бирига айлантиришда барча имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Ақром ҲАСАНОВ,
Бош прокуратура бошқарма
катта прокурори,
Искандар САИДҚУЛОВ,
Бош прокуратура бошқарма
прокурори

радар аппаратини эса танишлари М.Эргашевга совға қилишади.

Шунингдек, жабрланувчи Ш.Холматовга тегишли пулларни ҳам шахсий эҳтиёжларига сарфлаб, кайфу сафо қилишади. Лекин жабрланувчиларнинг мууроаати асосида андижонлик ўғриларнинг қилмишлари кўп ўтмай фош этилади. Негаки, воқеа жойларидаги кузатув камералари уларнинг кирдикорларини видеотасвирга муҳрлаганди. Оқибатда, айбдорларга нисбатан жиноят иши кўзғатилади.

Тергов ва суд жараёнида ҳар иккала судланувчининг ҳам муқаддам икки мартабадан судланганлиги, худди юқоридаги сингари жиноятни содир этганлиги аён бўлди. Шу боис мазкур ишни кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди судланувчиларни Жиноят кодексининг 169-моддаси, 3-қисми, “а”-банди, 227-моддаси, 2-қисми, “а”-банди билан айбдор, деб топилиб, аввалги жиноятлари учун ўталмай қолган жазо муддатини ҳам инобатга олган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш жазосига маҳкум этди.

Албатта, айни пайтда 23 ва 25 ёш бўлган йигитларнинг 3 мартаба судланишга улгургани жуда ачинарли ҳолат. Шундай экан, ҳар бир ота-она фарзанд тарбиясини зиммасидаги энг муҳим вазифа, деб билса, бу мажбуриятини меҳнат фаолияти ва шахсий юмушларидан ҳам устунлигини ҳис этса, баён этилгани каби воқеалардан йироқ бўлади.

Феруза СИДДИҚОВА,
жиноят ишлари бўйича Фарғона
шаҳар суди судьяси,
Хуршид СУЛТОНОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири

ҲАР бир оила учун фарзанднинг дунёга келиши катта қувонч. Бироқ энди катталар “жажжи одамча”нинг илк муҳим ҳужжатларини тайёрлаши, соғлигини доимий назорат қилиш учун шифокорга мурожаат этиши, хуллас, унинг яхши яшаши учун барча ҳаракатларни қонун доирасида бажармоғи керак. Ҳар бир ёш ота бу хусусда етарлича маълумотга эга бўлиши фойдадан ҳоли эмас.



Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани ўз вақтида олмаслик

ҚАНДАЙ ОҚИБАТЛАРГА ОЛИБ КЕЛАДИ?

Яхши биласиз, бола туғилганлигини расман тасдиқловчи ҳужжат, яъни “туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома” ФХДЁ бўлими томонидан ёзилади. Боланинг туғилишини қайд этиш мажбурий бўлиб, бола туғилган жойдаги ёки ота-онасидан бирининг доимий яшаш жойидаги ФХДЁ органида амалга оширилади.

ҚАНДАЙ ҲУЖЖАТЛАР КЕРАК?

Туғилганлик ҳақидаги ариза билан бола туғилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида ФХДЁ бўлимига мурожаат қилиш мумкин. Агар бола республика ҳудудидан ташқарида туғилган бўлса, уни рўйхатга қўйиш Ўзбекистоннинг ўша мамлакатдаги консуллик муассасалари томонидан амалга оширилади. Бола туғилганлиги ҳақидаги ариза ота-онасининг ёки улардан бири, алоҳида ҳолларда эса қариндошлари, қўшилари, тиббиёт муассасалари маъмурияти, ички ишлар ёки васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан берилиши мумкин. Туғилганликни қайд этиш учун тиббиёт муассасасининг бола туғилганлиги тўғрисидаги тиббий маълумотномаси, ота-онанинг паспорти ёки уларнинг ўрнини босувчи ҳужжатлар, никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гербли гувоҳнома ёки оталикни белгилаш ҳақидаги ариза ёхуд никоҳда бўлмаган

онанинг аризаси тақдим этилади. Боланинг туғилганлигини қайд этишда унга фамилияси ота-онасининг келишувига кўра, ота ёки онанинг фамилияси, боболаридан бирининг ёхуд отанинг исми бўйича берилади. Келишув бўлмаган тақдирда низолар васийлик ва ҳомийлик органи, консуллик округида эса консул томонидан ҳал этилади. Болага исм ота-онанинг розилигига кўра берилади. Болага қўшалоқ исм беришга йўл қўйилади.

НИМАЛАРГА АҲАМИЯТ БЕРИШ ЛОЗИМ?

Шу ўринда болага исм танлашда ўта масъулият ва эътибор билан ёндашиш зарур. Биринчидан, болага исм танлашда у келгусида уялмайдиغان, гўзал исм танлаш керак. Иккинчидан, кишининг исми-шарифи ва ота исми-расмий ҳужжатларда тўғри ёздирини лозим. Учинчидан, кишининг исми-шарифини аниқ ва тўлиқ айтиш, тўғри талаффуз қилиш, ўринсиз бузмаслик керак. Тўртинчидан, чақалоққа исм танлаганда тилдаги мавжуд, тайёр номлардан фойдаланиш билан бир қаторда, яъни диққатни тортувчи, бетакрор исмлар ҳам излаш лозим. Бешинчидан, исмларда миллий руҳ сақланиши, у она тилимиз қонуният ва талабларига мос бўлиши керак. Чунки исм ҳар бир инсоннинг бутун умрлик ҳамроҳи бўлиб, унинг ҳаётига ўз

таъсирини кўрсатади.

Болани оилавий поликлиникага ҳисобга қўйиш, ота ёки онанинг доимий яшаш жойи бўйича ҳисобга қўйиш, болани давлат мактабгача таълим муассасасига жойлаштириш бўйича навбатга қўйиш, шунингдек, бола туғилганлиги муносабати биноан бериладиган бир марталик пул маблағи олиш каби хизматлар жорий йилнинг 1 сентябридан бошлаб ФХДЁ органлари томонидан туғилишни қайд этиш билан бир қаторда фуқароларга қулайлик яратиш, ортиқча вақт, маблағ сарфлашни ва сарсонгарчиликларнинг олдини олиш мақсадида “ФХДЁ электрон архиви” ахборот тизими орқали йўлга қўйиладиган бўлди.

Шунингдек, боланинг туғилишини ўз вақтида расмийлаштириш зарур. Туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувини ўз вақтида расмийлаштирмаслик оқибатида боланинг ҳуқуқ ва эркинлиги поймол бўлиши мумкин. Масалан, ўз вақтида тиббий ёрдан кўрсатилмаслиги, мактабгача таълим муассасасига ва умумий таълим мактабларига жалб этилмасдан қолган ҳолатлари ҳам мавжуд. Бу эса, ўз навбатида, бола жамиятда ўз ўрнини топишида қийинчилик туғдиради.

Дилора СУЛЕЙМАНОВА,
Олмазор туман ФХДЁ бўлими мудираси

СЕРГЕЛИ ТУМАНИДА:

9 ойда 248 та ажралганлик ҳақидаги далолатнома ёзувлари қайд этилди

ҲАР қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оилада шаклланади. Яъни, оила маънавий жиҳатдан бутун бўлсагина, мустақам бўлади. Мустақам оилалардан ташкил топган мамлакат эса, албатта, қудратли бўлади.

Оилада эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари юзасидан туғилаётган баҳслар, турмушнинг дарз кетиши ва у билан боғлиқ можаролар, айрим хонадонлардаги мавжуд нотинч маънавий-руҳий муҳит натижасида содир бўлаётган никоҳдан ажралишлар бугунги кунда жамиятимизда жиддий эътиборни талаб қилувчи ҳолатдир. Худа-беҳудага оилани барбод этиш, албатта, болалар тарбиясига салбий таъсир этади. “Боланинг уволи тутати”, дейишади қариялар. Дарҳақиқат, увол-савобни билмайдиган, норасидаларнинг етим қолишини ўйламайдиган ота-оналар орамизда учраб туради. Бундай ҳолат вужудга келишининг бош омилри — уларнинг ҳуқуқий билимга етарли эга эмасликлари, ҳуқуқий саводхонлик даражасининг пастлигидан ва маънавиятсизлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам улар ажралиш ҳолати қандай оқибатларга олиб келишини тушуниб етмайдилар. Айни кунларда ижтимоий хавфли жиноятлар содир этаётган аёллар ва вояга етмаган болалар аксарияти нотўлиқ оилалардан эканлиги кузатилмоқда. Ёки бўлмаса, бошқа ҳуқуқбузарликлар, одам савдоси қурбонлари, ноқонуний йўл билан чет давлатларга

чиқиб кетаётган ёшлар, аёллар, албатта, буларнинг барчаси ажралиш оқибатида юзага келган оилаларда бўлаётгани ачинарли ҳол.

Статистикага назар соладиган бўлсак, Сергели туман ФХДЁ бўлимида жорий 2020 йилнинг 9 ойи мобайнида 248 та (191 таси суд қарорларига асосан, 57 таси эса ўзаро розилик билан ФХДЁ бўлимида) ажралганлик ҳақидаги далолатнома ёзувлари қайд этилди.

Оилаларнинг бузилиш сабаблари ўрганиб чиқилганда, 28 та ҳолатда фарзандсизлик, 7 та ҳолатда хиёнат, 34 та ҳолатда узоқ вақт бирга яшамаслик, 119 та ҳолатда оилавий келишмовчиликлар, қолган ҳолатларда ёшларимизнинг оила қуришга тайёр эмаслиги, соғлиғига эътиборсизлик, йигитларнинг оилани бошқаришни, рўзгорни моддий таъминлашни, фарзандларни маънан ва жисмонан соғлом қилиб тарбиялашни ўз бурчлари, деб билмасликлари, қизларнинг эса уй бекаси, оналик вазифасини тушунмаслиги, аксарият ҳолларда қайнона ва келин ўртасидаги можаролар туфайли юзага келаётганлиги маълум бўлди.

Умида ЖАЛИЛОВА,
Сергели туман ФХДЁ бўлими мудираси

ОИЛАДА чақалоқ дунёга келса, унга қандай исм танланади? Аксарият фуқароларнинг фикрига қулоқ тутсангиз, исмлар ўзбекона ва фарзанд вояга етганида уялмайдиغان бўлиши керак, деб ўйлашади.



АЙРИМ ИСМЛАР ЛАҚАБЛАР ОММАЛАШИШИГА ОЛИБ КЕЛАДИ

Аммо кейинги пайтларда ёш оилаларда туғилаётган янги меҳмонларга замонавий исмлар, очикроқ айтганда, кино актёрлари ва футболчиларнинг исмини қўйиш урфга айланган.

Масалан, Чортоқ туманида истиқомат қилувчи айрим фуқаролар томонидан ўғил болаларга машхур футболчига ҳавас қилиб, Роналдо исми расмийлаштирилган.

Шунингдек, бу туманда Месси ва Эсма исмили юртдошларимиз вояга етмоқда. Албатта, исм қўйиш ота-онанинг ҳуқуқи, лекин уни миллий менталитет, шарқона одобни сақлаган ҳолда танлаш

мақсадга мувофиқдир.

Чортоқ туман фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимида туман бўлими томонидан туман бош имом-хатиби Абдуғофир Фозилов ва отиноийлар, ёшлар ҳамда ота-оналар иштирокида “Фарзандга исм қўйиш одоби” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда исм қўйиш одоби ҳақида батафсил тушунчалар берилди.

Таъкидланишича, чақалоққа камолот даврида инсонга зеб берувчи, одоб-ахлоқига мос исмлар танланиши керак.

Шунингдек, Чортоқда охириги беш йиллик исмларни таҳлил қиладиган

бўлсак, 800 дан ортиқ ўғил болаларга Муҳаммад, 500 нафарга яқин қиз чақалоқларга Иброна исмлари қўйилган.

Фарзанд вояга етганида ота-онасининг хою ҳавасини, деб ўз исмидан ноқулай вазиятга тушмаслиги лозим. Чунки айни даврнинг ўзида бир хил ёшда ўхшаш исмларнинг кўпайиши мактаб вақтларида иккинчи исм ёки тахаллуслар, лақаблар оммалашишига олиб келади, дейди мутахассислар.

Феруза ҲАКИМОВА,
Чортоқ тумани ФХДЁ бўлими мудираси

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази жамоаси марказнинг Товаршунослик экспертизаси бўлими мудираси Пак Альбина Иннокентьевнага онаси **Софья Пак Васильевна**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази жамоаси марказнинг Ёнғин-техник экспертизаси лабораторияси катта эксперти Атахамжон Асилбековга онаси **Юлдузхон АЯ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ИНСОН ҚОНУН
МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
www.minjust.uz

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0081-рақам билан
рўйхатга олинган
ISSN 2010-7897

Бош муҳаррир
Кўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқулов Акбар Жўрабоевич
Рабиёв Шерзод Миржалилович
Тожиёв Фурқат Шомуродович
Искандаров Ёрбек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Навбатчи
Мадҳия Авазова
Саҳифаловчи-дизайнер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси тахририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табақ ҳажмда, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Тиражи — 4755
Буюртма — V-4393

Топшириш вақти — 19:00
Топширилди — 21:00

МАНЗИЛИМИЗ:


100 115, Тошкент ш.
Чилонзор кўчаси-29.

Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоси келишилган нархда

1 2 3 4 5



Биз Сиздан пул сўрамаймиз! Беминнат ёрдам берамиз. БИЗ ҲАММА ЖОЙДА БОРМИЗ!


? Банк кредитга доир мурожаатимни неча кунда кўриб чиқиши керак?

— МЕН банкдан “Ҳар бир оила тадбиркор” дастури бўйича чорвачилик мақсадида кредит олмақчиман. Мурожаатимга банк томонидан неча кунда жавоб берилади?



— Марказий банк бошқарувининг “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига мувофиқ қарз олувчининг аризаси келиб тушган кундан бошлаб, тижорат банки томонидан уч иш кунидан ошмаган муддатда ушбу ариза бўйича асослангилган қарор қабул қилинади. Кредит бериш тўғрисида ижобий қарор қабул қилинганда, қарз олувчи ва тижорат банки ўртасида кредит шартномаси тузилади. Тижорат банкининг қарори кредит бериш ёки уни беришни рад этиш учун асос ҳисобланади. Тижорат банки кредит беришни рад этган тақдирда, банк қарз олувчига ҳамда тавсифнома берган тегишли секторлар раҳбарларига ва маҳалла фуқаролар йиғинига бу ҳақда кейинги иш кунидан кечиктирмаган ҳолда ёзма шаклда асослангилган маълумот тақдим этиши керак.

? Ўриндошлик асосида ишга кирганда қандай ҳужжатлар талаб қилинади?



— ЎРИНДОШЛИК асосида бошқа ташкилотда ҳам ишламоқчиман. У ерга қандай ҳужжатлар тақдим қилишим керак?

— Қонунчиликка кўра, ўриндошлик асосида бошқа ташкилотга ишга кираётган шахслар: паспортни ёхуд унинг ўрнини босадиган ҳужжатни; меҳнат дафтарчаси ўрнига асосий иш жойидан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан тасдиқлангилган шакл бўйича маълумотномани тақдим этиши шарт. Бажарилиши учун фақат қонун ҳужжатларига мувофиқ муайян иш стажига эга бўлган шахслар қўйилиши мумкин бўлган ишга ўриндошлик асосида қабул қилишда асосий иш жойидаги меҳнат дафтарчасининг тасдиқланган нусхаси тақдим этилади. Махсус билимларни талаб этадиган ўриндошлик асосида ишга қабул қилишда иш берувчи ходимдан маълумоти ёки касб-хунар бўйича тайёргарлиги тўғрисидаги дипломни ёхуд бошқа ҳужжатни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Ўриндошлик асосида ишлашга қабул қилишда ушбу бандда назарда тутилмаган ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

? Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини қандай олсам бўлади?

— ЭЛЛИК олти ёшдаман. Ҳеч қаерда ишламайман. Яқинда турмуш ўртоғим вафот этди. Фарзандларим вояга етган. Мен боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олсам бўладими?



— Вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқига эга бўлади. Ота, она, ўғай ота, ўғай она, хотин, эр, башарти, улар пенсия ёшига тўлган ёки ногирон бўлсалар боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олишлари мумкин. Қонунга мувофиқ, боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш учун ҳудудий пенсия жамғармасига мурожаат қилишингиз лозим.

? Яшаш жойимиздан олтин қазилганда рухсат берилгани ростми?

— МЕН яшаш жойимда қўлбола усулда олтин қазилганда рухсат берилганини эшитдим. Шу ҳақда батафсил тушунтирсангиз?



— Қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олишга рухсат берилган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензия унинг эгасига белгиланган ҳудудда қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш ҳуқуқини беради. Қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун лицензияларга Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган жисмоний шахслар ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат рўйхатидан ўтган юридик шахслар талабгор бўлишлари мумкин. Лицензиялар Давлат геология қўмитаси томонидан “E-IJRO AUKSION” электрон савдо майдончасидаги аукцион яқунлари бўйича 3 йил муддатга берилади. Ер қаъридан фойдаланувчилар қазиб олинган тоғ жинсларидан қимматбаҳо металлларни ажратиш олишда фақат майдалаш ва гравитация усулини қўллаш, шунингдек, кичик ювиш ускуналари ва насослардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.



Саволларга Мадад ННТнинг Қўшработ туман ҳуқуқий маслаҳат бюроси бош мутахассиси Беҳзод ИРЗАЕВ жавоб берди.

? Аризамга бефарқ қараган масъулларга қандай чора кўрилади?

— БИР ташкилотга ариза ёзгандим. Бир ҳафтадан буён жавоб йўқ. Аризани кўриб чиқиш муддати неча кун? Аризани кўрмаган мансабдорга қандай чора қўлла-нилади?



— Ариза ва шикоят масалани мазмунан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш талаб этилганида эса, бир ойгача муддатда кўриб чиқилади. Ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материаллар сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари тегишли давлат органининг, ташкилотнинг раҳбари томонидан узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин. Бу ҳақда мурожаат этувчига хабар қилиниши керак. Мурожаатларни кўриб чиқиш натижаларига кўра давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан қарор қабул қилинади, бу ҳақда мурожаат қилувчига ёзма ёки электрон шаклда хабар қилиниши белгиланган. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган мансабдор шахсларга нисбатан Маъмурий жавобгарлик кодексининг 43-моддаси тартибида суд томонидан чора қўлланилади.